“ҲОТИН- ҚИЗЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА “АНОР” ON LINE ПЛАТФОРМАСИНИ ЎРНИ

Н.К Якубова
Ҳалқаро ишбилармон, “Тадбиркор аёл “ Ассоциацияси раиси ўринбосари.

Халқаро ишбилармон “Тадбиркор аёл” Ассоциацияси 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, 2021 йилда Ҳалқаро макомини олди. Бугунги кунга келиб Ассоциация 83 та ҳудудий бўлинмаларга эга. 200 дан ортиқ тренерлар тадбиркорлик сирларини ўз бизнесини бошламоқчи бўлган қизлар, аёлларга мастер класслар, тренинглар орқали ўргатиб келмоқдалар. Ҳорижий ва миллий хамкорлар билан 70 га яқин хамкорлик меморандумлари имзоланган Ассоциация ўз фаолияти давомида 100 дан ортиқ самарали лойихаларни имплементация қилди ва қарийиб 14 минг хотин - қизларни тадбиркорлик фаолиятини бошлашга ундади.

Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан хотин қизларни иш билан таъминлаш, уларни ички потенциалини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик сохасига кенг жалб этиш масалаларини кечиктириб бўлмайдиган, долзарб вазифа этиб белгиланди. Ассоциация хам ўзининг 83 та бўлинмалари орқали хотин - қизларни бизнес мухитига кенг жалб этиш борасида замонавий платформа яратиш мақсадга мувофиклигини тушунган холда 2 йил давомида ушбу платформани яратиш устида иш олиб борди. Асосий мақсад - тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ва ёки бизнесини янги босқичга чиқариб ривожлантирмоқчи бўлган аёл қизларимизга қулай Online орқали махсус курсларни тақдим этувчи платформани яратиб, уларни оғирини енгил қилиш, аёлларни бизнес мухитини янги поғонага чиқаришдан иборатдир.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларни керакли касб - ҳунарга йўналтириш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун *ноёб онлайн платформа ишлаб чиқилди.*

Тадбиркорликнинг турли йўналишларида хотин қизлар фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга қаратилган *ўқув услубий қўлланмалар* яратилди.

Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган аёллар учун бизнес кўникмалар шакллантирувчи, уларни касбга йўналтирувчи, қайта тайёрловчи ва малакасини оширувчи онлайн платформа ташкил этилиши *таълим жараёнларини масофавий ташкил этиш имкониятини беради*.

Лойхани амалга ошириш жараёнида яратилган онлайн платформа қиёсини АНОР билан ифодаладик.

АНОР - анъаналарда, жаннат (олтин) олма, билим дарахтининг меваси.

АНОР дарахти ҳаётийлик ва чидамлик намунаси, меваси бой ижобий рамзий маънога эга.

АНОР ноёб мева, шарқ меваларининг қироли.

АНОР - хаёт ранги ва рамзи

Ўзбекистон аёллари учун халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ инновацион технологиялар, ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув услубий қўлланмалар асосида онлайн бизнес таълим тизимини ва дастурий йўриқномаларини яратилди. Аёлларни тадбиркорликка ўқитиш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун ягона онлайн платформа шакллантирилди. Лойиҳани амалга ошириш орқали тадбиркорлик асослари тизимли ўқув жараёнини йўлга қўйиш ва уларнинг умумий билимларини ошириш учун ягона онлайн платформани ишга тушириш лозимлиги белгиланди.

Ягона онлайн платформадан фойдаланиш бўйича амалий қўлланма тайёрланди. Лойиҳанинг асосий мақсади: тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагидаги аёлларни ўқитиш ва қайта тайёрлашнинг ягона онлайн тизимини шакллантиришдан иборатдир. Мазкур тизим тадбиркорликни ривожлантириш орқали аёллар турмуш даражасини оширади, аёллар учун янги, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Платформада таҳлилий маърузалар, ўқув – методик қўлланмалар билан таъминлаш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, онлайн ўқув дастурлари орқали ҳуқуқий ва молиявий билимларини мустаҳкамлаш учун керкли материаллар киритилади.

Пандемия онлайн ишлаш ва онлайн ўқиш тизими қанчалик долзарб, оқил ва самарали жараён эканлигини кўрсатди. Аксарият ривожланган хорижий мамлакатларда бундай тизим ўз самарасини бериб келмоқда. Онлайн платформанинг яратилиши тадбиркорликни ривожлантириш ва таълим соҳасида муҳим ижтимоий ижобий самара беради. Бизнес тренинглар ўтказиш, кофе брейклар, тушлик, йўл харажатлари, бизнес тренерларга гонорарлар, бино ижараси ва бошқа ташкилий ишларга кетадиган харажатлар тежаб қолинади. Хотин қизлар хонадон юмушларидан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик асосларини Лойиҳа натижаларини тижоратлаштириш истиқболлари дастурий таъминотни амалда тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлиб, тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларни олиш, ўз бизнесини ривожлантириш мақсадидаги хотин-қизларга маълум миқдорда маблағ тўлаб масофавий таълим олиш имконини беради. Дастурий таъминотдан бошқа турдош таълим муассасалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Жаҳон илғор тажрибасидан келиб чиқиб, хотин қизларни тадбиркорлик кўникмаларига ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун онлайн платформани яратилиши бугунги куннинг энг долзарб масаласини хал этишдир. Ўқув курсларининг ҳар босқичи ва йўналиши бўйича таълим даражасини баҳолаш учун тестлар тўплами ишлаб чиқилади. Онлайн платформа кўп модулли, босқичма босқич инновацион ўқув дастури бўлади. Тадбиркор аёлларни керакли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида услубий ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш билан боғлиқ муаммолар ҳал этилди.

Тадбиркор аёллар учун электрон тадбиркорлик курсининг асосий йўналишлари (бизнес, солиқлар, банклар, кредитлар, бухгалтерия ҳисоби, ҳуқуқий ҳужжатлар) бўйича амалий қўлланмалар ишлаб чиқилди.

Иш жараёнида хотин- қизлар тадбиркорлиги, тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари самарадорлиги, мавжуд муаммо ва камчиликлар ўрганилиб, таҳлиллар асосида далилларга асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик фаолиятни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, солиқ ва божхона қонунчилиги, молиявий масалаларни тартибга солувчи ҳужжатлар мажмуини ўз ичига олган, доимий янгиланиб турувчи маълумотлар базаси яратилди.

Аёлларга турли соҳаларда бизнес юритиш кўникма ва билимларни ўргатиш тизимини шакллантирадиган инновацион маҳсулот яратилди. Ушбу маҳсулот модулли, кўп босқичли ўқув тизимини яратишни ўз ичига олади.

Маҳсулотнинг гендер йўналиши. Бу, биринчи навбатда, қишлоқларда ва чекка ҳудудларда барқарор даромадга эга бўлмаган, лекин тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларга мўлжалланган.

«Оддийидан мураккабига» бизнес ўргатиш асосида тадбиркорликни нимадан бошлашни билмайдиган аудиторияга тақдим этиладиган модулли схема. Ҳар бир модуль тадбиркорликнинг алоҳида босқичига бағишланади: тадбиркорликни тартибга солувчи қонунчилик, бухгалтерия ҳисоби, солиққа тортиш, бозор таҳлили, маркетинг, меҳнат қонунчилиги ва бошқа йўналишлар.

«Оддийидан мураккабига» бизнес ўргатиш асосида тадбиркорликни нимадан бошлашни билмайдиган аудиторияга тақдим этиладиган модулли схема.

Таълим дастурлари ва модулларини рақамлаштиришга асосланган технологияларни жорий этиш масофавий таълим тизими учун шароит яратади.

Кичик бизнес бўйича уй шароитида минимал маълумотга эга бўлгандан сўнг, айниқса, қишлоқ жойларда ва чекка ҳудудларда яшовчи тадбиркор аёллар сони кўпаяди.

збекистонда аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, аёлларнинг тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган ОНЛАЙН платформа яратилди.

адбиркор аёлларга амалий қўлланмалар тайёрлаш учун Онлайн платформа тизимидан фойдаланган ҳолда тадбиркорлиги ривожланган, қонун ҳужжатлари ўхшаш бўлган хорижий давлатлар меъёрий ҳужжатларини ўрганилди.

асъул ва манфаатдор ташкилотлар билан бирга қуйидаги тадбирлар ташкил этилди:

4. Онлайн платформа яратилди ва синовдан ўтказилди;

адбиркорлар, кенг жамоатчилик вакиллари учун ахборот материаллар тайёрланди;

е

btин қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш,қайта тайёрлаш ва тадбиркорлик фаолиятларини онлайн платформасига жойлаштириш бўйича ҳамкорлик ишлари ташкил этилди; соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш бўйича маълумотлар тайёрланди

8. Хотин қизларга тадбиркорлик соҳасидаги билим ва кўникмаларни ўргатиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантиришда онлайн платформадан фойдаланиш бўйича йўриқнома тайёрланди;
9. Онлайн платформа концепцияси яратилди;
10. Онлайн платформа жорий этилди.

    Moodle ДТ базасида индивидуал дизайн билан онлайн – платформа мослаштирилган версияси ишлаб чиқилган
11. Платформа керакли уланиш тезлиги (трафик) билан Ассоциациянинг виртуал серверига жойлаштирилган
12. Платформага ўзбек ва рус тилларида 6 та, жами 12 та интерфаол онлайн курслар жойлаштирилган
13. Платформа керакли материаллар, яъни тадбиркорликка оид қонунчилик ҳужжатлари, ўқув қўлланмалари, мақолалар, маърузалар билан тўлдириб борилмоқда

14. Платформага кирувчилар учун тизимдан фойдаланиш йўриқномаси ишлаб чиқилган ва уни ҳар бир фойдаланувчи эркин ўқиши мумкин
15. Сертификат шакллари ишлаб чиқилган
16. Онлайн платформанинг 4 нафар администратори ўқитилди ва улар иш бошлашди

Лойиханинг асосий ютуқлари:

1. Ўқувчиларнинг чегараланмаган миқдорини қамраб олади
2. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, ҳар қандай нуқтадан интернет орқали уланиш имконияти мавжуд
3. Ўқитиш ўқитувчисиз амалга оширилади – бу ўқув жараёнини осонлаштиради ва ресурсларни иқтисодли қилади
4. Курс материалларни тўлиқ ўзлаштириб олингунга қадар қайта – қайта ўтиш мумкин.